# 24 - МАВЗУ

## ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

# РЕЖА

1.Ҳозирги кунда баркамол шахсни тарбиялаш муаммолари
2.Тарбия технологияларини моделлаштириш
3.Тарбия қонуниятлари ва тарбия мазмуни тамойилларини моделлаштириш
4.Тарбия технологияларини қўллашда педагогик воситалардан фойдаланиш
5.Ўқитувчининг компютер технологиялари асосида ўқувчилар билимини назорат қилиши

***Технология***- бу бир ишда, маҳорат ва санъат қўлланиладиган усуллар йиғиндисидан иборат

***Педагогик технология*** -таълим шакли, усули, услублари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғилишини аниқловчи психологик-педагогик кўрсатмаларнинг мажмуидир.

***Педагогик технология*** -бу ўқув жараёнини амалга оширилишининг сермазмун техникасидир. (Г. Беспалько)

***Педагогик технология*** -бу ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиш бўйича барча тавсилотлари билан ўйлаб чиқилган жамоа педагогик фаолиятининг модели ҳисобланади.

***Педагогик технология*** **-бу ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиш бўйича барча тавсилотлари билан ўйлаб чиқилган жамоа педагогик фаолиятининг модели ҳисобланади.**

***Педагогик технология*** **-бу таълим шаклларини оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир. (ЮНЕСКО)**

# **Таълимга технологик ёндашув**.

**Таълим технологияси:**

бу мавжуд шароит ва ўрнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсад ва кўзланаётган натижаларга кафолатли эришишни воситали таъминловчи, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг энг қулай йўл ва ўқитиш воситаларининг тартибли йиғиндиси (таълим бериш технологиясининг жараён-баёнли жиҳати);

**Графикли органайзерлар (ташкил этувчи)** – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий булиб чиқиш, урганилаётган тушунчалар (вокеа ва ходисалар, мавзулар) уртасидаги алока ва узаро богликликни урнатиш усул ва воситалари: Кластер, Тоифалаш жадвали, Инсерт, Б/Б/Б жадвали

Маълумотларни тахлил килиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситалари: Т-жадвали, Венна диаграммаси

Муаммони аниклаш, уни хал этиш, тахлил қилиш ва режалаштириш усуллари ва воситалари: «Нима учун?», «Балик скелети», «Пирамида», «Нилуфар гули» схемалари, «Кандай?» иерархик диаграммаси, «Каскад» таркибий-мантикий схема

***1. Мақсадни белгилаш* – тарбиялашдан келиб чиқадиган мақсадларни маълум бир муддатли жараёнларга бўлиб чиқиши.**

**2. Мазмунни танлаш — тарбиялаш мазмунини жамият талаблари даражасида мустақил ишлаб чиқиши.**

***3. Демократик фаолиятли* — *тарбиявий жараён иштирокчиларини тарбиялашда ва ўзаро муносабатда эркин фикрлилик ва умуминсонийлик меъёрларига риоя қилиш қонуниятлари*.**

**4. Баҳолаш — тарбиялаш жараёнида эришилган натижалар самарадор-лигининг ўқитувчи томонидан баҳоланиб бориши ва доимий таҳлил қилиниши**

## Тарбиявий жараённинг даврийлиги шахснинг ёш хусусиятларини ҳисобга олади. Бунда асосий эътибор қуйидаги фаолиятга қаратилиши керак

1
- шахснинг муайян бир ёшига хос бўлган анатомик, физиологик ва психологик хусусиятларнинг чуқур ўрганилиши

2
- даврийлик тизими асосида тарбиявий иш фаолиятининг ташкил этилиши

3
- муайян бир ёшга хос бўлган тарбияланганликнинг доимо аниқланиб (диагностика), лойиҳалаштирилиб борилиши

4

- ижобий натижалар берадиган тарбиявий ўзаро таъсирнинг ўқитувчи томонидан турли шакл ва методлари даражаларининг белгиланиб (диагностика) амалга оширилиши

5

- Тарбиянинг технологиявийлиги таълим муассасаларида тарбиявий мақсадларни амалга ошириш ва унга эришишга шароит яратади, назарий асосланган узлуксиз давом этадиган тарбиялаш жараёнининг шакллари, методлари, усуллари ва воситаларини ўқитувчи тўғри танлаб натижаларга эришишини таъминлайди

# Тарбиявий жараён ва тарбия мазмунини моделлаштириш

ота-оналар билан мунтазам алоқада бўлиб, улар иштирокида ўқувчи билан тарбиявий мазмунда суҳбатлар ўтказиш

ўқувчининг ички дунёсини, характерини билмасдан у билан қўпол муомалада бўлмаслик, содир этилган хатоликларни кечира олиш

ўқувчининг қизиқишларини, уни ўраб турган ташқи муҳитни доимий назорат қилиш

***ўқувчини қатъий кундалик режимга ўргатиш ва уни кузатиб бориш***

**истеъдодини, қобилиятини ва ўзи танлаган касбга мойиллигини эътибор-га олиб уни такомиллаштириш**

***тарбияланувчи руҳиятини пухта билиш***

***ўқувчининг бола эканлигини, адашишга, баъзан хатоликларга йул қўйишини унутмаслик, ушбу салбий ҳолатларни кечиктирмасдан тузатиб бориш***

5) Экологик тарбияни олиб бориш

6) Иқтисодий тарбияни ташкил этиш

7) Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш

8) Ғоявий-сиёсий тарбияни ташкил этиш

# Моделлаштириш асосида ўқитувчи қуйидаги замонавий тарбия мазмунининг тамойилларини белгилаб олади

- Мақсаднинг аниқлиги
- Биргаликдаги фаолият
- Ўз-ўзини англаш
- Ирода эркинлиги
- Тарбиянинг шахсга йўналтирилганлиги
- Жамоанинг таъсири

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ КОММУНИКАТСИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАШ

-
ахборот коммуникатсион ва ахборот технологияларини мажбурий ўрганишни ташкил этиш;

-барча фанлар бўйича ўргатувчи дастурлардан фойдаланиш;

-
компютерда ёзилган тестлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш;

-кутубхоналар каталогларидан фойдаланиш ва оммабоп кутубхона-лардаги китобларга интернет орқали буюртма бериш;

**-ўқитувчиларнинг методик ишланмалари, маъруза матнлари ва бошқа ўқув қўлланмаларини нашрга тайёрлаш;**

**-интернет тизимидаги маълумотлардан фойдаланиб, ўтилган мавзу асосида ўқувчилар томонидан маърузалар ва рефератларни мустақил тайёрлашга эришиш;**

**-Ўқув ва бадиий адабиётларнинг электрон матнларидан фойдаланиш;**

**-кўникма ва малакаларни оширишда махсус энсиклопедик луғатлардан фойдаланиш имкониятини яратиш лозим.**

## Педагогик технологиялар асосида тадбирларни ташкил этиш тамойиллари

- маънавий-ахлоқий йўналганлик, умуммаданий мазмун;
- ҳиссий ранг-барангли;
- мантиқий якунланганлик, тадбирларнинг яхлитлиги ва ғояга бўйсунганлиги;
- билиш ва яратувчилик асосларининг бирлиги;
- иштирокчиларнинг умумий маданиятини оширишни таъминлаш;
- тадбирда иштирок этишнинг оммавийлиги, яъни унга таълим муассасасининг барча ўқувчи-талаба ёшларини жалб этишга ҳаракат қилиш.

# Ҳозирги кунда замонавий ўқитувчидан:

- ўқув курслари дизайнери – ўқув курсларининг яратувчиси;

- фасилитейтор – ўқитиш методлари бўйича маслаҳатчи;

- тютор–ўқув курсларини интерфаол тақдим этиш бўйича мутахассис;

инвигилатор

– таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис бўлишни талаб этмоқда.

***- масофавий курсларнинг очиқлиги туфайли уларнинг сифатига бўлган талабларнинг ва ўқув материаллари сифатини назорат қилишга оид эҳтиёж-ларнинг қондирилиши;***

***- таълимда технологик асосларнинг тез ривожланиши билан боғлиқ бўлган янги курсларни яратиш;***

***- ўқув курсларини яратиш асосида ўқитувчиларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш;***

***- ўқув жараёнида ўқувчи фаолиятининг устувор мавқе тутишини, ўқув жараёни салмоғининг ўқитувчидан ўқувчига кўчишини таъ-минлаш;***

**- янги коммуникатсион технологиялардан фойдаланиш асосида, ўқи-тувчининг ҳар бир ўқувчи билан тескари алоқасининг вужудга кели-шини амалга ошириш**

*

- ***Таълим берувчи сифатида – машғулотлар ўтказади, дарс жараёнини ўқув-методик жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этилишини таъминлайди***

*

- ***Маслаҳатчи сифатида – билиш жараёнини бошқаради, гуруҳ бўлиб маслаҳат ва коммуникатив машғулотларни олиб боради, ўрганилаётган мавзунинг ҳар хил масалалари бўйича ўқувчиларга якка тартибда маслаҳатлар беради***

*

- ***Менеджер сифатида – машғулотлар ўтказилишини бошқаради, тўла қонли мақсадга эришилишини назорат қилади (тестлар, имтиҳонлар ва шу кабилар)***

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ